

Узбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти
МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзили: 180100 Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Геологлар кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел. (+99891) 222 82 61, 462 41 58.
Аудиторлик фаолияти бўйича Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 29.07.2009 йилдаги № 00387 ракамли лицензияга эга.

**“Косон ёғ-экстракция” акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий
ҳисоботларига ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

“ 23 ” 02 2019 й

Косон шаҳри

*Буюртмачи: “Косон ёғ-экстракция” АЖ Х/р 20210000000384029001 АК “Алокабанк”нинг
Қарши филиали Қарши шаҳри МФО 00990 СТИР: 200690364 ОКЭД 10410 Манзили:
Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри С. Умаров кучаси 1-уй тел. № 075-592-1-15*

Мен, МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Геологлар кучаси 1-уй 15-хонадонда жойлашган, СТИР 203869896, ОКЕД коди 69202, ҳисоб рақами 20208000904162711001 «Узсаноатқурилишбанк» Қашқадарё минтақавий филиали Қарши шаҳри МФО 00854) аудитори Зулфикооров Худойберди Назарович (аудитор малака сертификатига № 05543 берилган санаси 22.12.2017й.) МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти билан “Косон ёғ-экстракция” АЖ ўртасидаги 08.01.2019 йилда тузилган № 22-сонли шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект “Косон ёғ-экстракция” АЖнинг 2018 йил 31-декабрь ҳолатидаги «Бухгалтерия баланси» 1-шакл, «Молиявий натижалар тугрисидаги ҳисобот» 2-шакл, «Пул оқимлари» тугрисидаги ҳисобот 4-шакл, «Хусусий капитал» (5-шакл) тугрисидаги ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Косон ёғ-экстракция” АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект “Косон ёғ-экстракция” АЖнинг 2018 йил 31-декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор:

Х. Н. Зулфикооров

